



# ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 6-IYUL, CHORSHANBA, 27 (659)-SON

e-mail: xxi\_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz



## Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



### ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ парламент қўйи палатаси депутатлари, жумладан, О`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам жойларда электорат вакиллари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб қайтишди.**

Таъкидлаш жоизки, мазкур учрашувларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, ислохотлар муваффақиятини таъминлаётган муҳим омиллarga алоҳида эътибор қаратилди. Муҳими, 25 июндан 5 июлга қадар давом этган амалий мулоқотлар ўзаро ишонч ва самимийлик руҳида кечди.

Хусусан, 12-Шахрихон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб сайланган, парламент қўйи палатасидаги О`zLiDeP фракцияси раҳбари Содиқжон Турдиев Шахрихон ва Асака туманидаги сайловчилар билан учрашди.

Тадбирда энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб қўтиб олиш, ушбу



### МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ



Маълумки, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Халқимиз томонидан катта хурсандчилик ва мамнуният билан қўтиб олинган мазкур нишон билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини

юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тоғувлиқни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий даниятимиз ва санъатимизни

ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирлини билгилаб қўйилган.

## “Учрашувлар самимий ва қизиқарли руҳда ўтди”

дейишмоқда О`zLiDeP дан сайланган депутатлар

сана муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан фикр алмашилди. Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда партия фракцияси олдидаги муҳим масалалар ҳақида сўз

юритилди. Шу билан бирга депутатнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юртида ўтказилган саммити доирасида муҳокама қилинган масалалар, Президентимиз Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Олий Мажлисидаги мулоқотлари, “аср қурилиши” номини олган Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилишига доир му-

лоҳазалари иштирокчиларни бефарқ қолдирмади. С. Турдиев сўхбат давомида халқимизнинг онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий фаоллиги ва юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганини таъкидлади. Нотиқ томонидан бу борада қилинган матрузалар сайловчилар, хусусан, ёшларда мустақилликдан олдинги ҳаёт ва бугунги дориларимизни таққослаш имконини берди.

Шунингдек, Андижонда депутатлар Тулқинжон Каримов, Ойбек Эгамов, Абдуллажон Ҳамроқулов, Баҳром Ниёзматов, Аҳмаджон Гофуровлар ҳам ўз сайлов округларида аҳоли муурожаатларини эшитдилар ва қўлаб саволларга аниқ ва батафсил жавоб қайтардилар.

Давони 4-саҳифа

### МУНОСАБАТ

Сурхондарё вилояти юртимизнинг гўзал, хушманзара, иқтисодий имкониятларга бой, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари изчил ривожланаётган ҳудудларидан саналади. Айниқса, ўтган йигирма беш йил воҳа аҳли учун чин маънода янгилашни ва туб ўзгаришлар даври бўлди. Буни ҳудуд аҳолиси тафаккурида кечаётган ижобий эврилишлар, шаҳар ва қишлоқларда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари, маҳаллалардаги тинч-тоғувлик, аҳиллик ҳамда фаровон ҳаёт мисолида яққол кўриш мумкин.

## Юксак тараққиёт ва дадил одимлар

Воҳада амалга оширилган ишлар ҳақида сўз кетганда, миллий ва замонавий архитектура ечимларига эга кўп қаватли уйлар, намунавий лойиҳалар асосидаги янги тураржой бинолари шаҳар ва қишлоқлар кифасини тубдан ўзгартириб, одамларнинг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз. Кенг, шинам ва ёруғ таълим, тиббиёт муассасалари, болалар спорт иншоотлари ҳеч қимдан кам бўлмаган ёш авлодни камолга етказишда муҳим аҳамият касб этаётди. Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 22 майдаги “2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Термиз шаҳрида бунёд этилган Хотира майдонининг маънавий аҳамияти воҳа аҳли учун ғоят кадр-кимматлидир.

Президентимизнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 30 июнь куни Сурхондарё вилоятига ташрифи воҳа аҳлига унутилмас лаҳзаларни бахш этди. – Юртбошимиз вилоятга ташрифини айнан Хотира майдони билан танишишдан бошланганди замирида чуқур маъно мужассам. Бу – барчамизга бугунги тинч-осуда ҳаётимиз учун жонини фидо этган ота-боболаримиз билан фахрланиш, уларнинг номлари ва эзгу ишларини доим ёдда тутиш, фарзандларимизда юксак ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳини ошириш нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини аниқлади, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Орзикул Соатов. – Бу масканда авлод билан суҳбатлар ўтказиб, ўғил-қизларимиз қалбида бугунги осойишта, фаровон ҳаётимизга шукрона туйғуларини уйғотилади. Зеро, истиқлол даврида бизнинг ёшларимиз учун яратилган имкониятларга

хар қанча ҳавас қилса арзийди. Мана, биргина Термиз шаҳрини олайлик. Мустақилликдан аввал бу шаҳар турли ижтимоий муаммолар гирдобиди қолган, қаровсиз чегара ҳудуд эди. Шу заминда ўтган атоқли аллома Ҳаким ат-Термизий мажмуаси симтиканлар билан ўралган, хароба ҳолатда бўлганини катта авлод яхши эслайди. Ҳозир нафақат қадимий ва навқирон Термиз шаҳри, балки бутун Сурхон воҳаси гуллаб-яшнамоқда. Мустақилликдан аввал мустабид тузумнинг бирёқлама иқтисодий сиёсати туфайли фақат аграр ҳудуд сифатида қаралган Сурхондарё вилоятида бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари сармоядорлари билан ҳамкорликда 60 га яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда яратилаётган қулай инвестиция муҳити, хорижий сармоядорлар учун яратилаётган имтиёзлар ва шубҳасиз, юртимиздаги тинчлик, иқтисодий барқарорлик самарасидир.

Давони 2-саҳифа

### О`zLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

## Она табиат муҳофазаси – келажак муҳофазасидир

бу ҳаётий тамойил қонунчиликда ҳам мукамал акс этиши лозим

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ўртасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Мазкур масалада парламентдаги муҳолифат сифатида фаолият юритаётган ЎзХДП ва “Адолат” СДП фракция-



лари қонуннинг айрим моддаларига ўз муносабатларини билдиришди. О`zLiDeP фракцияси эса, ушбу масъулиятли пал-

лада ўз позициясида мустақам туриб, уларнинг айрим масалалардаги қарашларига қўшилмаяпти. Депутатларимиз партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қонуннинг мукамал бўлишига эришиш, асосийси, унда электорат манфатларини акс эттиришга интилоқда. Бу борада асосли таклиф ва тавсияларни илгари суриб, уни муносиб ҳимоя қилаётди.

3



ASR IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASIGA OBUNA LAVOM ETMOKDA

Йил давомида севимли нашрингизга обуна бўлишингиз мумкин

Муурожаат учун телефон: (0-371) 215-63-80 255-68-50

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2208,20	1 АКШ доллари	2948,59	1 Хитой юани	442,60	1 Польша злотийси	744,63	1 ЕВРО	3318,04
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 5 июлда бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)	1 Англия фунт стерлинги	3917,50	1 Миср фунти	332,05	1 Россия рубли	46,06	1 СДР	4116,11	10 Жанубий Корея вони	25,73
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини оғзадан.	1 Дания кронаси	441,41	1 Исландия кронаси	24,08	1 Украина гривнаси	118,79	1 Туркия лираси	1018,27	10 Япония иенаси	287,11
	1 БАА дирҳами	802,80	1 Канада доллари	2287,32	1 Малайзия рингити	738,44	1 Швейцария франки	3031,03		

# Юксак тараққиёт ва дадил одимлар

С.Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Тошгузар – Бойсуи – Кумқўрғон" темир йўлининг қурилиши, ишга туширилиши вилоятдаги ер ости ва ер усти бойликларидан унумли фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Сурхон воҳасининг ери унумдор, одамлари халол меҳнатни юксак қадрлайди. Шу боис вилоят аҳли ғалла ва пахта топшириш мажбуриятларини пешкадамлиқ сафида бажаради. Бу йил ҳам фермер ва деҳқонлар учун баракали келди. Сурхондарёликлар 670 минг тонналик ҳирмонни уйиб, ғалла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этди. Бундай натижага эришишда одамларнинг қўли қўлга бериб, чин кўнгилдан меҳнат қилгани, агротехника тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилгани муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз деярли барча маърузаларида ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, доим юксак марраларни эгаллашга ундайдилар, – дейди Термиз давлат университети ўқитувчиси, "Шухрат" медали соҳибаси Нафосат Курбонова. – Бу гал ҳам



давлатимиз раҳбари билан кеч-га эга, замонавий технологиялар асосида жиҳозланган ахборот-ресурс маркази, ўнга яқин спорт билан шугулланиш имконини берувчи ҳашаматли спорт иншооти – буларнинг барчаси истиқлол шарофатидир. Кўплаб тенгдошларим катори мен ҳам ўз соҳам бўйича изланишлар олиб бориб муайян натижаларга эришдим. Айни пайтда мен тақриб-тақриқ олиб бораётган замонавий агротехника қондалари амалиётга жорий этилса, бо-

шқли экинларнинг ҳосилдорлигини беш фоизгача ошириш имкони пайдо бўлади. Тараққиёт сари жадал интилиш ва саъй-ҳаракатларимиз бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик туфайли эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Зеро, осудалик барқарор, халқи фаровон мамлакатдагина барча соҳаларда изчил ривожланиш ва юксалиш бўлади.

Айниқса, кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бугунги кунда фидокорона меҳнати, беқиёс азму шижоати ҳисобидан улкан ютуқ ва марраларга эришаётгани, барча соҳа ва тармоқлар бўйича Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти тобора юксалиб бораётгани ва табиийки, бунинг натижасида эл-юртимиз ҳар томонлама эркин ва озод, обод ва фаровон ҳаёт кечираётганини нишондаги тасвирлар мисолида яна бир бор кўрамиз ва ҳис этамиз.

Хайридинмурод АБУЛҲАЙЗОВ

# Ҳурлик берган давронга шуқр

Мен истиқлол туфайли бахт топиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлган ўзбек қизларидан бириман. Шаҳрисабзда намунали лойиҳалар асосида қад ростланган барча шароитлар муҳайё этилган шинам ва ёруғ уйда турмуш ўртоғим ва икки фарзандим билан яшаб келаёман. Аёл киши учун бундан ортиқ бахт борми?

Иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги муваффақиятларда воҳамиз хотин-қизларнинг улушлари бениҳоя салмоқли эканлигини мамнуният билан таъкидлаган бўлардим. Вилоятда хотин-қизлар ўртасида касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, имтиёзли кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бераётди. Йиғилишларда оила институтини ривожлантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, касбий, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасида амалий тақлифлар ишлаб чиқарилди.


Аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва мутасил интилиб яшаган, бизга насиб этган энг улуг, энг азиз неъмат бўлган мустақилликнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг қўламли ислохотларимиз, кўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини жамоатчиликка етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш олдимида турган энг муҳим, энг долзарб вазифа эканлигини Президентимиз қайта-қайта таъкидладилар. Истиқлолнинг 25 йиллиги муносабати билан "Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош гоғни ўзида мужассам этган тадбирларда ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтирган ҳолда байрамни юксак даражада ўтказиш, ҳурлик берган давронга, эл-юрт деган сарбонга шуқрона айтиб яшамоқ ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини ҳар лаҳза ёдда тутиш фуқаролик бурчимиздир.

Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА, Шаҳрисабз тиббиёт коллежи ўқитувчиси, O'zLiDeP Шаҳрисабз туман Кенгаши раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари



Президентимиз ўтган ҳафтада жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлганида бу қадим воҳанин хотин-қизлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, уларнинг меҳру садоқат ва жасорат бобида беназир эканликлари бугунги ислохотлар жараёнида фаол иштирок этаётганликлари, қарерга борсалар, бизни ибрат қилиб кўрсатишларини таъкидлаганликлари қалбимизни фахру ифтихор ҳисларига тўлдирди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, нуфузи ва қадр-қимматини ҳимоя қилинишини етарли қафолатлаш уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иштирок этишига қўлай шароитлар яратиш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг билим ва маданият даражасини ошириш кераклиги борасидаги фикрлари биз учун дастуриламал вази фасини ўтайди, десам янглишмайман.

"Аёллар қаноти" томонидан "Соғлом она ва бола йили"да хотин-қизларга хусусий бизнесини йўлга қўйишда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кўмаклашилмоқда. Улар янги иш ўринлари яратиш имкониятлари ва партиявий лойиҳалар билан таништириляпти. Аёллар ўртасида илгор фермер, тадбиркор ва хунарманд, касаначи аёллар тажрибаси оммалаштириляпти.



Шу маънода O'zLiDePнинг

С.Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Биз бундан 25 йил олдин ўз миллий тараққиётимизнинг асосий шартини мезони бўлган истиқлолга эришиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, чўқур ўйланган, миллий манфа-

сад-муддаоларни ёрқин ифода этиши билан алоҳида эътиборни тортади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик бизга ўз оиламиз, оналаримиз, фарзандларимиз, халқимиз ва Ватанимиз учун яшаш ва меҳнат қилиш, шу йўлда бугунги юксак марраларни эгаллаш имконини берди.

Энг муҳими, истиқлол йил-

кофот ўтган давр мобайнида қанча-қанча юртдошларимизни фарзандларимизни дунёда ҳеч қандай кам бўлмайдиган, етук ва барқамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуг мақсадлар йўлида улкан ишларга сафарбар этиб келаётгани ҳеч қандай сир эмас.

"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони

# МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ

атларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга ошираётганимиз, эл-юртимизнинг қадди ва қадри баланд бўлиб, куч-қудратимиз янада ошиб, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати юксалиб бораётгани эсдалик нишониди ўзининг чўқур ифодасини топганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бугунги кунда фидокорона меҳнати, беқиёс азму шижоати ҳисобидан улкан ютуқ ва марраларга эришаётгани, барча соҳа ва тармоқлар бўйича Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти тобора юксалиб бораётгани ва табиийки, бунинг натижасида эл-юртимиз ҳар томонлама эркин ва озод, обод ва фаровон ҳаёт кечираётганини нишондаги тасвирлар мисолида яна бир бор кўрамиз ва ҳис этамиз.

Таъкидлаш кераки, эсдалик нишони марказида акс этирилган Бахтиёр она ва унинг фарзанди қиёфаси халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, олижаноб орзу-интилишлари, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини, бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида биз ўз олдимида кўйган улкан мақ-

ларида шаклланган янги, навқирон авлодимиз ҳозирги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Биз кенг қўламли ислохотларимиз йўлида эришаётган янги-янги марраларни аёлларимиз, оналаримиз ва болаларимизнинг бахту саодати учун бахшида этмоқдамиз ва айти шундай буюқ мақсад йўлида меҳнат қилиш – энг олий саодатдир. Соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш йўлида хизмат қилиш – улкан шарафдир.

Шу маънода, нишонда акс этирилган Бахтиёр она ҳайкалини барча юртдошларимиз мустақил Ватанимиз, ёруғ келажагимиз тимсоли сифатида қабул қилади ва шундай нишонга эга бўлишни ўзи учун юксак шараф деб билади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз босиб ўтган 25 йиллик тарихга назар ташлайдиган бўлсак, хотин-қизларга, муқаддас она зотига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлодни вояга етказиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани ва бу йўлда дунё ҳамжамияти эътирофи этаётган улкан натижалар қўлга киритилаётганини кўрамиз.

Мустақил юртимизда таъсис этилган биринчи орден ҳам "Соғлом авлод учун" деб номлангани ва бу юксак му-

шу борадаги орзу-интилиш ва амалий ишларимизнинг узвий ва мантиқий давоми бўлиб, она тимсолида буюқ Ватанимизни, унинг фарзанди тимсолида эса ёруғ келажагимизни кўрамиз.

Шу ўтган даврда амалга оширган улкан, том маънода тарихий ишларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини чин дилдан ҳис этиш, шу улғувор ишларда меним ҳам муносиб ҳиссам бор, деган дахлдорлик туйғуси билан яшаш барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Миллионлаб юртдошларимиз айти шундай фидокорона меҳнат қилгани ва бугунги кунда ҳам янги-янги марраларни қўлаб ҳаракат қилаётгани Ватанимизнинг ёруғ келажагига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони жаҳондаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида қатъият билан илгариллаб бораётган бугунги Ўзбекистоннинг рамзи сифатида минг-минглаб юртдошларимизнинг кўксига ярақлаб, уларни янги ютуқ ва марраларга илҳомлантирадиган юксак ишонч ва эътибор ифодаси бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Ў.А

ЭЪТИРОФ

# Улкан ғамхўрлик намунаси

Ўтган йигирма беш йил давомида эришилган муваффақиятлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этди. Зеро, бугунги кунда энг муҳим ва долзарб масалалардан бири аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи экан, қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали ушбу масалани ижобий ҳал этишга эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, иқтисодиётда сифат жиҳатдан туб тарқибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, чет эллик шериклар акциядорлар бўладиган янги корпоратив ташкилотларни шакллантириш, мамлакатимиз иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш ва бунинг учун барча зарур шароит ва преференцияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга ва бу жараёнлар жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг қафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Рақамлар тили билан айтганда, мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 каррадан зиёд юксалди, аҳоли сони эса 10,5 миллионга кўпайди. Бошқача айтганда, 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг киши эди. Мустақиллик йилларида халқимиз 1,5 баробарга ўсди ва айни пайтда 31 миллионни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, юртимизда аҳоли сони тобора кўпаймоқда. Бу рақамлар минг-минглаб ўғил-қизларимизнинг катта ҳаёт оstonасидан ҳатлаётганини исботлайди. Демак, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам шунга яраша ортиб бормоқда. Лекин яна бир ҳақиқатни ҳам унутмаслик кераки, ер, сув ресурслари кўпаяётгани йўқ. Шу боис янги-янги сановат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳисобидан замонавий иш ўринларини кўпайтиришга катта эътибор қаратиш замон талабидир. Истиқлол йилларида соҳада олиб борилган ислохотлар туфайли бугунги кунда тадбиркорлар яппи ички маҳсулотнинг 56,7 фоизидан ортигини ишлаб чиқармоқда. Маскур соҳада аҳолининг бандлиги 77,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса хусусий мулк эгаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 каррадан зиёд юксалди, аҳоли сони эса 10,5 миллионга кўпайди. Бошқача айтганда, 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг киши эди. Мустақиллик йилларида халқимиз 1,5 баробарга ўсди ва айни пайтда 31 миллионни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, юртимизда аҳоли сони тобора кўпаймоқда. Бу рақамлар минг-минглаб ўғил-қизларимизнинг катта ҳаёт оstonасидан ҳатлаётганини исботлайди. Демак, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам шунга яраша ортиб бормоқда. Лекин яна бир ҳақиқатни ҳам унутмаслик кераки, ер, сув ресурслари кўпаяётгани йўқ. Шу боис янги-янги сановат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳисобидан замонавий иш ўринларини кўпайтиришга катта эътибор қаратиш замон талабидир. Истиқлол йилларида соҳада олиб борилган ислохотлар туфайли бугунги кунда тадбиркорлар яппи ички маҳсулотнинг 56,7 фоизидан ортигини ишлаб чиқармоқда. Маскур соҳада аҳолининг бандлиги 77,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса хусусий мулк эгаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 каррадан зиёд юксалди, аҳоли сони эса 10,5 миллионга кўпайди. Бошқача айтганда, 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг киши эди. Мустақиллик йилларида халқимиз 1,5 баробарга ўсди ва айни пайтда 31 миллионни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, юртимизда аҳоли сони тобора кўпаймоқда. Бу рақамлар минг-минглаб ўғил-қизларимизнинг катта ҳаёт оstonасидан ҳатлаётганини исботлайди. Демак, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам шунга яраша ортиб бормоқда. Лекин яна бир ҳақиқатни ҳам унутмаслик кераки, ер, сув ресурслари кўпаяётгани йўқ. Шу боис янги-янги сановат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳисобидан замонавий иш ўринларини кўпайтиришга катта эътибор қаратиш замон талабидир. Истиқлол йилларида соҳада олиб борилган ислохотлар туфайли бугунги кунда тадбиркорлар яппи ички маҳсулотнинг 56,7 фоизидан ортигини ишлаб чиқармоқда. Маскур соҳада аҳолининг бандлиги 77,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса хусусий мулк эгаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир.

МДҲдаги шаҳарлар ичида фақат Самарқанд Американинг "The Huffington Post" нашрида эълон қилинган, албатта бориб қўриш лозим бўлган дунёнинг 50 та шаҳри қаторига киритилди. Айни пайтнинг ўзида Американинг "Gallup" тадқиқот компанияси тузган "яхши кайфият индекси" бўйича Ватанимиз 136 мамлакат орасида 29-ўринни эгаллади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб қутиб олиш, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора оячилаб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг қўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини халқимиз онгу-шуурига етказиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун партияимизнинг ҳар бир фаол аъзоси масъулдир.

Ўрабек НАЗАРОВ, O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи раҳбари

Соҳани ривожлантириш, унинг барча имкони-

# ОНА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ – КЕЛАЖАК МУҲОФАЗАСИДИР

бу ҳаётӣ тамойил қонунчиликда ҳам мукамал акс этиши лозим

Давоми. Бошланғиш 1-саҳифада

Амалдаги қонуннинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қонун ўтган даврда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини, шунингдек, ушбу соҳада тўплаган тажриба натижаларини тўлиқ қамраб олмаган. Яъни, амалдаги қонунда қонун нормаларини қўллашда ишлатилмаган асосий тушунчаларнинг мавжуд эмаслиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган берилмаганлиги, ёввойи ҳайвон турлари ҳамда зоологик коллекцияларни мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тартиби белгиланмаган эди.

Қонуннинг янги таҳририда юқоридаги камчиликлар асосан бартараф этилиб, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокчини белгилловчи нормалар ҳам ўз аксини топди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган сўнг О'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва уни такомиллаштириш юзасидан масъул кўмитага бир қатор таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилди.

Хусусан, фракциямиз аъзолари томонидан янги таҳрирдаги қонунда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг аниқ йўлларини ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвон турларини сақлаб

қаси Вазирлар Маҳкамасига ҳавола қилмасдан тўлиқ баён этиш лозимлиги айтилган. Лекин, **қонунда ушбу тартибни батафсил баён этишнинг имкони йўқ. Фракциямиз аъзоларининг фикрича, қонуности ҳужжатларини қабул қилишда Вазирлар Маҳкамасига зарур ваколатларни бериш керак.**

Қонун лойиҳасининг 22-моддаси юзасидан ҳам ХДП фракцияси аъзолари юридик ва жисмоний шахсларга солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан ҳайвонот дунёсини муҳо-

## Фикримизча, ХДП ҳамда “Адолат” СДП фракциялари томонидан билдирилган айрим таклифлар бизнинг позицияларимизга мос келмайди

фаза қилиш ва ундан фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш масаласини чиқариб ташлашни таклиф қилишган. Бунга асос сифатида улар амалда бундай имтиёзлар бугунги кунда мавжуд эмаслигини кўрсатишмоқда.

О'zLiDeP фракцияси аъзолари ушбу таклифни кескин рад этади. Қонунлар бугунги ҳаётӣ тамойиллар билан эмас, балки бир неча қадам илгарини белгиланган бериши лозим деб ҳисоблайди. Чунки, **бугунги кунда ҳайвонот дунёсини ва ёввойи ҳайвонларнинг ҳаёт фаолияти махсус-потларидан ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг аксариятини партиямизнинг электорати бўлмиш тадбиркор ва ишбилармонлар ташкил этади. Биз солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш орқали ҳам уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантираемиз, ҳам ҳайвонот дунёси муҳофазасини кучайтираемиз.**

Қонуности ҳужжатларини қабул қилишда Вазирлар Маҳкамасига зарур ваколатларни бериш керак!

қолиш бўйича асосий талабларни, ҳайвонот дунёсини фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш ва тақиқлаш тартибини белгиланган, ҳайвонот дунёсини, шу жумладан, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун руҳсатномалар бериш тартибини аниқлаштиришга қаратилган ҳамда айрим ҳаволаки нормаларни чиқариб ташлаш бўйича бир қатор таклифлар билдирилган эди. Масъул кўмита томонидан ушбу таклифларнинг аксарияти қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инobatта олинганлиги маълум қилинди.

Шу билан бирга, **бошқа партия фракциялари** аъзолари томонидан ҳам мазкур қонун лойиҳаси юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазалар ҳам берилган. **Фикримизча, ХДП ҳамда “Адолат” СДП фракциялари томонидан билдирилган айрим таклифлар бизнинг позицияларимизга мос келмайди.** Шу нуқтаи назардан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Масалан, **ХДП фракцияси** аъзолари қонун лойиҳасининг 14-моддасига кўра Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ходимларининг мураккаб табиий климат шароитларида меҳнат қилишларини инobatта олиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини қонунда мустаҳкамлаб қўйиш лозим деган таклифни ўртага ташлашган. Аммо, бизнинг назаримизда, бу таклиф, ўринсиз. Сабаби, **соҳа ходимларининг ижтимоий муҳофазаси масалалари ушбу қонуннинг предмети эмас, балки бу меҳнат, ижтимоий химоя масалаларига оид қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тартибга солиниши лозим.**

Шунингдек, **“Адолат” СДП фракцияси** аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасининг 18-моддаси туртинчи хатбошида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвон турларини табиий муҳитдан ажратиш олиш тартибини Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамасига ҳавола қилмасдан тўлиқ баён этиш лозимлиги айтилган. Лекин, **қонунда ушбу тартибни батафсил баён этишнинг имкони йўқ. Фракциямиз аъзоларининг фикрича, қонуности ҳужжатларини қабул қилишда Вазирлар Маҳкамасига зарур ваколатларни бериш керак.**

Партиямизнинг электорати бўлмиш тадбиркор ва ишбилармонларга солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш орқали ҳам уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантираемиз, ҳам ҳайвонот дунёси муҳофазасини кучайтираемиз

Қонун лойиҳасининг 36-моддаси бўйича ХДП фракцияси аъзолари тақиқланган ов қуроллари ва ов қилиш усулларини ушбу модданин ўзида тўлиқ кўрсатиб ўтиш таклифини билдиришган. Бирок, **фракциямиз аъзоларининг фикрича, барча тақиқланган ов қуроллари ҳамда ов қилиш усулларини қонунда санаб ўтишнинг имкони йўқ.** Шу билан бирга, вақт ўтиши билан янги ов қуроллари ёки усуллари пайдо бўлиши ҳамда уларнинг айримлари мамлакатимизда тақиқланиши мумкин. Тақиқланган



ов қуроллари ва усуллари Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ов қилиш ва балиқ овлash Қоидалари”да тўлиқ акс этганлигини инobatта олиб, ушбу таклифни ҳам қабул қилиб бўлмайди деб ҳисоблаймиз.

“Адолат” СДП депутатлари қонун лойиҳасининг 48-моддаси иккинчи қисмида баён этилаётган “Қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси объектларини айбдор шахслардан олиб қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорлар ва тартибда ундирилади” деган норманин ўрнига, олиб қўйиш имкони бўлмаган ҳайвонот дунёси объектларининг қиймати миқдорлари ва тартибини аниқ белгиланиши таклиф этишмоқда.

Бирок, **қонуннинг ўзида ҳар бир ёввойи ҳайвон турини ўқининг махсус-потлари учун етказилган зарар қиймати миқдорини ва тартибини аниқ белгиланган бўлмайди.** Бу масала Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарори билан тартибга солинган. Шунинг учун ҳам бу таклифга қўшилмаслигимизни маълум қиламиз.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг 49-моддаси ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Жумладан, ушбу моддага нисбатан ХДП фракцияси аъзолари нафақат модданин, балки қонуннинг предмети саналмайдиган таклифларни билдиришган. Яъни, уларнинг фикрига кўра, ҳуқуқбузарликка қарши самарали курашиш учун Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва унинг ходимлари моддий-техник таъминотини кучайтириш лозим эмиш. **Албатта, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни самарали ташкил этиш соҳа ташкилотлари ва ходимларининг моддий-техник таъминоти мукамал бўлишини тақозо этади. Лекин, бу масала ушбу қонуннинг предмети эмас.**

Шунингдек, **“Адолат” СДП фракцияси** аъзолари ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилловчи қонун лойиҳасининг 49-моддаси бўйича ўз фикрларини баён этиб, уларга кўра Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ушбу соҳадаги жавобгарликни кучайтирувчи нормаларни назарда тутувчи

тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш керак деган хулосага келишган.

Бу борада О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикри шундай: бугунги кунда амалиётда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 63, 90, 92, 93, 94 ва 222-моддаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 202-моддаларида тегишли нормалар мавжуд. **Қонуннинг ушбу моддасига нисбатан бор эътиборимизни ушбу соҳага оид қонунчиликнинг ижросига қаратмоғимиз лозим. “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун ваколатларидан тўғри фойдаланиб, жойларда ушбу қонуннинг аниқ бажарилиши устидан назоратни кучайтиришимиз зарур.** Бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш лозим.

“Адолат” СДП фракциясининг бу соҳага оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш борасидаги фикрига қаршимиз. Бутун эътиборни мавжуд қонунчиликнинг ижросига қаратиш, бунинг учун Парламент назорати шаклларида самарали фойдаланиш лозим.

Қонун лойиҳаси бугунги кунда соҳада юзага келган масалаларга жавоб бериши, шунингдек, соҳа мутахассисларидан ташқари фуқароларимиз учун ҳам содда ва тушунарли бўлиши, қолаверса уни О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг таклиф ва фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда маромига етказилганлигини, шу билан бирга қонун лойиҳаси партия-миз Сайловди дастурида белгиланган вазифаларга тўла мос келишини инobatта олиб, бу ҳужжати парламент куйи палатасининг навбатдаги мажлисида иккинчи ўқишда қўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Рустам ҚОБИЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидаги  
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

## “ЁШЛАР ҚАНОТИ” хабарлари

О'zLiDeP Бухоро вилояти Кенгаши томонидан “Мустақилликка менинг ҳиссам” деб номланган ёшлар форуми доирасида “Ишбилармон талаба” стипендияси учун ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

## Талабаликдан – ишбилармонликка

Асхор ИСТАМОВ,  
“XXI asr” мухбири

“Ёшлар қаноти” фаоллари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этган тадбирда сўзга чиққан О'zLiDeP вилоят Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Шерзод Маҳмудов ва бошқалар ушбу танловнинг шахар ва туман босқичи беллашувлари талаб даражасида ўтказилганлиги, энг муносиб иштирокчиларгина вилоят босқичига етиб келишганини алоҳида таъкидлашди.

– Танловда ёшларнинг миллий гоа, истиқлол мафкураси, маънавият, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билимлари ўзига хос синовдан ўтказилди, – дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Азиз Ҳақимов. – 2015 йилда вилоят бўйича 600 нафар йигит-қиз қатнашган бўлса, жорий йилги кўрсаткич 736 нафарни ташкил этади.

Фахрли биринчи ўрин Гиждудон саноат ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси Сардор Назаровга насиб этди. Ёш иштироки томонидан ишлаб чиқилган инновацион

лойиҳа транспорт воситасидан фойдаланишда ёқилгини тежаш имконини беради. Иккинчи ўринга Бухоро туризм коллежи ўқувчиси Равшан Жаҳонов лойиҳа топилди. Анчадан бери хунармандликнинг кандакорлик тури билан шугулланиб келаётган ёш истеъдод томонидан яратилган бир-бирдан чиройли лаганлардаги бўртма нақшлар, алоҳида дид билан ишланган безаклар ҳайрат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Танлов якунига биноан учинчи ўрин патдўзлик билан шугулланишда муайян тажрибага эга бўлган Пешку қурилиш ва миллий хунармандлик касб-хунар коллежи талабаси Моҳинур Облоевага берилди. Унинг қуроқчилик, патдўзлик ва каштачилик намуналари кўпчилиكنинг диққатини ўзига тортиди.

Танлов голиблари ва иштирокчилари О'zLiDeP вилоят Кенгашининг тегишли даражадаги диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланиб, голиблар “Ишбилармон талаба” танловининг республика босқичига йўланма олишди. Тадбир сўнггида бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилинди.

О'zLiDeP Мирзаобод туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежида “Тинчлик – олий қадрият” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Тинчликнинг тенгсиз қадри



Сўзга чиққанлар шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида, жумладан, Мирзаобод туманида ҳам бу улуг байрамни нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилатганини таъкидлашди.

– Тинчлик – энг улуг неъмат, бу бебаҳо бойлиكنи қадрлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, – дейди О'zLiDeP вилоят Кенгаши Сийёсий таълим маркази раҳбари Д.Тўрақуллов. – Ҳар ким ўз зиммасидаги фуқаролик бурчини сидқидилдан адо этар экан, бевосита ва билвосита тинчлик учун хизмат қилади. Партия дастури ва Сайловди платформасида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтказилаётган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад – дунёнинг турли

нуқталарида содир бўлаётган нохуш воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиб, бугунги тинч ва осойишта кунларимизнинг қадрига этиш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларда давлат, жамият ва шахсининг бирлигини, яқдиллигини янада кучайтиришди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда барча ҳабақларда амалга оширилаётган ислохотлар, халқ фаровонлиги мустақиллик шарофатидан дир. Шу боис ҳар биримиз ҳамisha хушёр бўлишимиз, лоқайд кишиларни сергақликка чорлашимиз лозим.

Хусан ЖАББОРОВ,  
О'zLiDeP Сирдарё вилоят  
Кенгаши Ёшлар билан  
ишлаш  
бўлими мудири



Партия туман ташкилотимиз таркибида 568 нафар партия аъзосини бирлаштирган 31 та бошланғич ташкилот фаолият олиб бормоқда. Маслақдошларимизнинг туман ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги фаоллиги нафақат партиямиз мавқеи янада мустақамланиши, балки сафимизга янги тарафдорлар жалб қилинишида ҳам алоҳида аҳамият касб этаётди.

## СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ



О'зЛиДеР Дастури ва Сайловлар платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этиш, жойларда либерал ғояларни тарғиб қилиш асосида сафимизга илғор фикрли, ташаббускор, муҳими, маслақ ҳамда мақсадни аниқ бел-

лаётган бугунги кунда туманимизда, ўзимиз истиқомат қилаётган қишлоқ ва маҳаллаларда юз берган улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик, янгиланишлар жараёнида сафдошларимизнинг ҳам муносиб улуши борлиги қалбимизда ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Жойларда тadbиркорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳисса-

да жонбозлик кўрсатдилар. Астойдил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди, албатта. Айнан улар истиқомат қилаётган ҳудуддаги Зарбдор ахборот технологиялари коллежида таълим олаётган бир қанча ёшлар "Ишбилармон талаба" кўрик-танловига фаол иштирок этишди, партиямиз сафига киришга ариза беришди.

Партия Жиззах вилоят ташкилоти Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган тadbирлар ҳам сезиларли самаралар бермоқда.

– Бошқа ҳудудлар қатори чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар, айниқса, коллеж битирувчилари ҳам О'зЛиДеРнинг доимий эътиборида эканлиги менда катта таассурот қолдирди, – дейди навқирон сафдошларимиздан бири Мухлиса Усанова. – Сиёсий куч томонидан ўтказилган кўлаб тadbирларда қатнашдим. Уларда ўзим ҳавас қиладиган таниқли тadbиркор ва раҳбар аёллар билан мулоқот қилиш имкони туғилгани сабабли кўпгина саволларимга жавоб топдим. Тadbиркор, фермер ва хунармандларни бирлаштириб турган сиёсий кучга аъзо бўлишга қарор қилдим.

Ана шу каби эътирофларни кўлаб ёш ишбилармонлардан тез-тез эшитишимиз мумкин. Биз учун энг муҳими эса, қўлга киритилган ютуқлардан хотиржамликка берилмай, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Ким эди-у ким бўлди? Эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз лозим?", деган савол устида доимо теран фикр юритиб, тегишли хулосалар чиқариш, партиявий фаолиятни янада такомиллаштиришдир.

Жаҳонгир БОСИМОВ,  
О'зЛиДеР Зарбдор туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

мизнинг эътироф этилаётгани ҳамда аҳоли, айниқса, ёшлар дунёқаршида юз бераётган улкан ижобий ўзгаришлар бизни иштиёқ ва шижоат билан янги марраларни эгаллашга ундамоқда, десам муболага бўлмайди.

Ҳозирда туманимизда 674 та тadbиркорлик субъекти, 584 та фермер хўжалиги фаолият олиб борапти. Улардан бири – "Зарбдорбод" фермер хўжалигига О'зЛиДеР фаоли, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Бувсара Қорабекова раҳбарлик қилапти. Қишлоқ мулкдори нафақат депутат, балки хўжаликдаги 15 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич ташкилот етакчиси ҳамдир. Тумандаги ижтимоий-сиёсий фаолият ўзақларидан бири сифатида танилган мазкур кўйи бугун аъзолари депутат билан биргаликда хўжаликдаги бир қанча маиший муаммоларни қўллаб-қувватлаш, партиявий ва оммавий тadbирларни ўтказиш бораси-

Шу ўринда қайд этиш керакки, туманимизда 4 та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Йил давомида "Хавфсиз интернет", "Диплом билан – бизнесга", "Ишбилармон талаба" каби партиявий лойиҳаларда, турли хил сана ва байрамлар муносабати билан ўтказилган оммавий тadbирларнинг юқори савияда ўтишига ёш ҳаммаслақларимиз, айниқса, Хумоюн Элмуродов, Фахриддин Ҳўрбоев катта улуш қўшишди. Эътиборлиси, биргина "Диплом билан – бизнесга" лойиҳаси доирасидаги тadbирларда туманимиздан жами 120 нафарга яқин йигит-қиз ўз бизнес-режалари билан қатнашдилар. Эндигина ишбилармонлик ҳадисини олаётган, унинг сир-асрорларини эгаллашга киришаётган бу ёшлар ҳар қадамда О'зЛиДеР туман Кенгаши, депутатлар ва фаолларимизнинг эътиборини ҳис қилиб туришибди. Айнан улар қиёфасида партиямиз келажаги – либерал ғояларга содиқ сафдошларимиз камол топаётгани биз учун ғоят қувонарли.

## "Ватаним келажаги – менинг келажагим"

О'зЛиДеР Шўрчи туман Кенгаши фаол БПТлар билан ҳамкорликда "Ўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Ватаним келажаги – менинг келажагим" мавзuida давра суҳбати уюштирди. Тadbирда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқувчи устувор партиявий вазифалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тadbир ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеадир.

– Шу кунларда халқимиз мамлакатимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган улкан тарихий ҳодиса – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда, – дейди "Оққамар" МФЙ ҳудудida тузилган БПТ раиси Маърифат Бобоназарова. – Жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал олиб боришмоқда. Зотан, биз учун энг улғун, энг азиз айём бўлган ушбу санани муносиб нишонлаш ҳар биримиз учун ўта муҳим вазифага айланган.

Тadbирда яқинлашаётган айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказишда партия туман Кенгашларининг ролини кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши Матбуот хизмати

Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш учун қандай ишларни бажариш лозим? Кўйи бугунлар ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги қўйилган натижаларни бериштириши? Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда БПТлар қандай ўрин тутуши керак?

## Дастурий вазифаларга ҳамоҳанг

Навий давлат қончилиги институтиди бўлиб ўтган, "О'зЛиДеР бошланғич партия ташкилотларининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ва партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишдаги тўтган ўрни ва вазифалари" деб номланган махсус ўқув-семинар иштирокчилари ана шундай долзарб масалаларни муҳокама этдилар.

– О'зЛиДеР ҳар қандай сиёсий кучнинг негизи – бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш ва изчил такомиллаштириш йўлидан борапти. Биз ҳам ана шу стратегияни астойдил қўллаб-қув-

ватлаб, партиянинг дастурий вазифаларига ҳамоҳанг кадам ташлашга интиляпмиз, – деди ўз сўзида шаҳар Кенгаши депутати, БПТ етакчиси С. Бозорова. – Таъкидлаш жоизки, ўтказилган тadbирларимизга халқ орасида обрў-эътибор қозонган юртдошларимиз, доврўғли тadbиркорлар, соҳа мутахассисларини жалб этаётганимиз яхши самара берапти. Шундай бўлса-да, бундай тadbирлар таъсирчанлигини янада ошириш, илгари сурилаётган фикрлар, ғоялар ҳар бир фуқаро учун тушунарли бўлиши йўллари излапмиз. Шу билан бирга ННТ, ўзини ўзи

бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни янги поғонага кўтаришимиз талаб этилмоқда. Семинар давомида иштирокчилар БПТлар нечоғли фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, кўйи бугунлар мурожаатларига партия юқори органлари томонидан жавоб берилиши тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда партиявий фаолиятта оид бошқа жўяли таклифларини ҳам билдиришди.

О'зЛиДеР Навоий вилоят Кенгаши Матбуот хизмати

## Партиямиз кучи – оммага яқинлигида

Наманган шаҳрида 109 та О'зЛиДеР бошланғич ташкилоти бор. Таъкидлаш жоизки, уларнинг 45 таси маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида фаолият олиб борапти.



Комилжон ФАЙЗИЕВ,  
"XXI asr" мухбири

Маълумки, шу йилнинг май-июнь ойларида республикаимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Наманган шаҳри маҳаллаларидаги партиямиз кўйи бугунлари ҳам бу муҳим сиёсий-иқтисодий жараёнда фаол иштирок этиб, сайловнинг ҳар жиҳатдан бекум кўст ўтишига муайян ҳисса қўшдилар, оилавий бизнесни ривожлантириш, хотин-қизларни, ёшларни тadbиркорликка жалб этишга доир масалалар юзасидан асосли таклифларни илгари сурдилар.

"Атанган гузар" маҳалласи ҳудудida ҳам бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлиб, унга 61-умумтаълим мактаби директори Мадинахон Абдуллаева раҳбарлик қилмоқда. У ташкилотчи ва ташаббускор, тиниб-тинчимас етакчилардан бири. Ўз атрофида фаол педагоглари, депутатларни жалб этган ҳолда иш юритаётди. Мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида ёшлар тарбияси, айниқса, қизларни турмушга тайёрлаш, навқирон авлодни хавфли иллатлардан огоҳ этиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг баробарида жойлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этилишига кўмаклашилмоқда. Хусусан, маҳалла аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш, кўчаларни ва 9-оила поликлиникаси филиали биносини таъмирлаш, йўлнинг энг серқатнов жойларига светофор ўрнатиш, янги мавзегга электр энергияси тармоғини тортиш борасидаги мурожаатлари БПТ томонидан атрофлича ўрганилди. Етакчи мазкур масалалар буйича 39-Дустлик сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган партиямиз вакили Нарғиз Халиловага, шунингдек, 3-Меҳнатобод сайлов округидан Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига О'зЛиДеРдан депутат этиб сайланган

Даврон Отамирзаевага мурожаат этди. Ҳар икки депутат ўз ваколатлари доирасида иш қўриб, шаҳар ҳокимлигига ҳамда муаммолар ечимига бевосита масъул бўлган ташкилотлар раҳбарларига хат билан, кейин эса депутатлик сўрови билан чиқишди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Жумладан, маҳаллада сув иншооти куриб битказилди ва айни кунларда ишга туширилиш арафасида. Кўчаларни таъмирлаш ишлари ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилди ва шу мақсад учун 45 миллион сўм маблағ ажратилди. Яқинда кўчаларга шағал ётқизиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Маҳалла ҳудудидан ўтувчи серқатнов йўлга светофор ўрнатиш буйича республика "Ўзвотойўл" ДАК раҳбарига ёзма равишда чиқилди. Ушбу муаммо ҳам жорий йилнинг 3-чорагида ижобий ҳал этилиши режалаштирилди. Шунингдек, 9-оилавий поликлиника филиалида таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 100 миллион сўм маблағ ажратилди ва айни кунларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

– Шу кунларда биз маҳаллада мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги байрами муносабати билан ўзида "Ўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" бош ғоясини мужассам этган тарғибот тadbирларини ўтказаяпмиз, – дейди БПТ раиси М.Абдуллаева. – Давра суҳбатларида, учрашувларда яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида муҳокама этилган масалаларнинг моҳиятини, "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўли очилишини ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини сайловчиларга, партия электорати вакилларига жонли мисоллар, факт ва рақамлар орқали тушунтиряпмиз. Мулоқотларда партия юқори органлари масъул ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маънавият-маърифат тарғиботчилари ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

## Ваколатлар ишга солинмоқда

Ахбор ИСТАМОВ,  
"XXI asr" мухбири

О'зЛиДеРнинг кучли сиёсий тузилма сифатида танилиши, мамлакатимиз сиёсий майдонida мустақам ўрин эгаллаш жойлардаги кўйи бугунларнинг нечоғли самарали иш юритиши билан боғлиқ. Шу боис асосий вазифаси бошланғич ташкилотлар ишини мувофиқлаштиришдан иборат партия туман Кенгашлари таянч тузилмалар томонидан сиёсий куч дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, аҳоли мурожаатларини ўрганиш ва улар ҳал қилинишига партиявий воситалар билан ёрдам берилишига алоҳида аҳамият қаратаётди. Жумладан, ушбу йўналишда О'зЛиДеР Устав ва Дастурига мувофиқ кўйи ташкилотларга тегишли кўрсатмалар, маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда.

Хусусан, О'зЛиДеР Ромитан туман Кенгаши таркибидаги "Ҳазортут" МФЙ ҳудудida ташкил қилинган БПТ раиси Жобир Дилмуродов сайъ-ҳаракати билан жорий йил мобайнида қатол қорхона, ташкилот ва касб-ху-



нар коллежларида партиямиз ғояларини оммалаштиришга бағишланган бир қанча семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилди. Қайд этиш жоизки, ушбу МФЙда тўрт мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. Маҳалла аҳолини мактабгача таълим муассасасини барпо этиш масаласи кўпдан бери ташвишга солиб келарди. Мазкур муаммо буйича БПТ ҳамда партия туман бўлими фаолларининг Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиздан сайланган депутатлар қилган мурожаатлари эътиборсиз қолмади. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман хо-

кимига йўлланган депутатлик сўровлари мутасаддиларни ҳаракатга келтирди. Муассаса кунралиши бошлаб юборилди. – Энг муҳим вазифаларимиздан яна бири – маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик жадал ривожланиши учун мақбул шароитлар яратишга кўмаклашиш, – дейди БПТ етакчиси. – Бу борада депутатлар ва партия юқори органлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур. Зеро, тadbиркорлик иқтисодиётимизнинг қудратли локомотивига айланиши жараёнидан четда турмаслигимиз лозим.

## Аниқ саволга – аниқ жавоб...

## МАСЛАҚДОШЛАР КЎПАЙИШИГА МОНЕЛИК ЙЎҚ

– Бирор қорхона, ташкилот ёки маҳаллада ташкил қилинган БПТ бошқа жойларда ишловчи ёхуд яшовчи партиямиз тарафдорларини кўйи бугун тарихига қабул қилиши мумкинми?

– О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг қарор, фармойиш ва йўриқномаларида бирор субъектдаги бошланғич ташкилотга ўша субъектда фаолият юритмайдиган (яшамайдиган) шахсларнинг аъзолликка ўтказилишига монелик қилувчи ҳеч қандай кўрсатма йўқ. Зеро, партия Уставининг 9.3-бандидаги "Бошланғич партия ташкилоти ... партия сафига янги аъзоларни жалб қилиб боради..." деган жумла ҳам ҳар бир таянч тузилма бошқа ташкилотлар, ҳудудлардаги хайрихоҳларимизни ҳам ўз сафига қўшиши мумкин, деган маънони билдиради.

Унутмаслик керакки, юқорида баён этилганлар фақат туман (шаҳар) ҳудуди учунгина тааллуқлидир.

(Саволга О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг БПТлар билан ишлаш сектори бош консултанти С. Маликов жавоб берди)

# АНДИЖОНГА КЕЛИНГ, ЖОН АНДИЖОНГА!

ОНА ЮРТИМ – ОЛТИН БЕШИГИМ

## Андижонда бўлганмисиз?

**Унинг зилол сувли ариқлари бўйида ҳордиқ чиқарган, Боғи Бобурда эсанг тонгги насимга кўкрак тутган, сўлим Асаканинг “Чўнтак” чойхонасида бир чўким паловхонтўра тановул қилган, “Ўзбекистон Швейцарияси” мақомини олган Хонобод шаҳри-ни сайр этган кишилар бу саволга дадил жавоб берадилар.**

Албатта, бугунги Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси ҳаммамиз учун бирдек муқаддас. Бироқ бу заминнинг, унда яшаётган кишиларнинг сурату сийратидида нимадир мужассам! Шоир таърифи билан айтганда, “Бобур мирзо руҳи бор Андижон томонларда...” Севимли шоирмиз Саида Зунунова эса бир шеърда шундай деган эди: *Гарчи Ватанимнинг ҳар жойи азиз, Ҳар жойи тулган шаҳримдай дилдор. Лекин, Андижоним, сенинг меҳрингда Яна ҳам гўзалроқ алпанарса бор!*

Балки, шу “алпанарса” ўзига хос гурур ва меҳмондўстлик, танглик, чапанилик, кенпораклиқдир?..

Балки, бу маскан Бобур кўча очган муқаддас даргоҳ, Чўлпонни юсакка кўтарилган тоғ, Мухаммад Юсуфни ўстирган бешик экани билан қадрлидир!..

Балки... Андижон ҳақида сўз кетганда, бу замин кишилари энг улуғ ва энг азиз байрам – Ватанисиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйига муносиб тўхфалар тайёрлаганини қувонч билан айтсақ арзийди. Келинг, шу аснода истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига бир қур назар ташлайлик. Улар замирида “Ким эдигу ким бўлди” саволига тегаран жавоб ўз тажассумини толгани ҳақиқат. Зеро, кейинги ўн йил ичида қадамий шаҳар қиёфаси навқиронлик нисбатига эга бўлди. Қайта қурилган Ўзбекистон ва Бобур мирзо номидаги шохқўчаларнинг доғруғи ҳали тиллардан тушиб улгурмай, Миллий тикланиш ва Истиқлол кўчаларида бири-бирдан мухташам кошоналар қад ростлади. Ҳазрат Навоий номлари берилган шохқўчада беш қаватли намунавий уйлар барпо этилди. Яна 14 та ҳудудда бунёдкорлик ва реконструкция ишлари жадал йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ҳар бир туманда намунавий лойиҳа бўйича иккитадан кўча замонавий кўриниш касб этди. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга

оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида бунёд этилган минглаб кўрак иморатларни айтмайсизми! Ўтган йиллар мобайнида вилоятда 5050 та турар-жой фойдаланишга топширилди. Бу – шунча уй тўйи нишонланди, деганидир. Натижада 14 та туманда шароити шаҳарикидан қолишмайдиған хонадонлардан иборат мавзелар қад ростлади. Жорий йилнинг ўзида яна 1139 та объектда қурилиш-бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнида Андижон шаҳрида фойдаланишга топширилган 300 ўринли мухташам кўгирчоқ театрининг таърифу тавсифига тил ожиз. Бу ерда 8 миллиард 10 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. “Ҳайратлар саройи” номи билан оғуш қошона Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Театрнинг томоша зали фазовий кемани эслатади. Шифтдаги галактика тасвири эса болажонларни ширин хаёллар ва эрталар оламига етаклайди. Яна бу ерда музей, кутубхона, шунингдек, компьютер ва информатика, драма тўғрақлари, хореография заллари ташкил этилди. Қарийб 1 гектар майдонни эгаллаган театр биноси атрофида болажонлар учун катта-кичик тантаналарни ўтказишга мўлжалланган майдон, турли аттракционлар андижонлик ўғил-қизларга унутилмас байрам тўхфаси бўлди.

– Қадим Андижон кўз унгимизда янгилиниб, яшариб борапти, – дейди фахр билан “Нуроний” жамоат фонди шаҳар бўлими раиси Тўрақўжа ота Раҳматжонов. – Гувалақдан тикланган пастак уйлар ўрнида бир неча қаватли сароймонанд иншоотлар қурилди. Замонавий мактаблар, академик лицей ва коллежаларни санасам, адашиб кетаман. Ҳозирги ёшларга ҳавасимиз келади. Мана шундай дориламон замонда, тинчлик-хотир-жамликда, бунёдкорлик ва фаровон

хаёт сари дадил қадам ташлаётган мустақил Ватанда яшашнинг ўзи катта бахт эмасми?..

\*\*\*

Шу билан бирга Андижонда қурилиш индустрияси ҳам кенг ривожланаётган. Илгари пудратчи ташкилотлар қурилиш материалларини вилоятга ташқаридан олиб келишар эди. Бугун давом этаётган бунёдкорлик ишлари, кун сайин қад ростлаётган мухташам иморатлар учун зарур хомашё шу ернинг ўзида тайёрланаётгани ва шу орқали минглаб одамларнинг рўзғори обод бўлаётгани таҳсинга сазовор. Айни пайтда бу ерда 250 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Оддий миҳ, оҳаддан тортиб, темир-бетон буюмлари, асфальтга андижонликларнинг ўзлари тайёрлашмоқда. Қурилиш бўёғи, ойна, дераза ва эшиклар, радиаторлар, пенопласт, керамик плиталар, пластик қувурлар... Бориники, уй қуриш учун зарур нарсаларнинг барчасини бу рўйхатга киритиш мумкин.

– Соҳибқирон Амир Темурининг “қурагимизга шубҳа қилганлар биз қурган иморатларни қуришимиз”, деган сўзлари исботи бугун Андижон бунёдкорлигида яққол намоён бўлаётганини ҳис қилдик, – дейди Германиянинг “Andre Janke” архитекторлик бюроси

кенгайтириш ва модернизация қилиш ҳисобига 2008-2015 йиллар мобайнида 1,3 триллион сўмдан зиёд инвестициялар ўлаштирилиб, 2800 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Натижада 37 мингдан зиёд янги иш ўрни барпо этилди. Янги ишга туширилган саноат корхоналарини фойдаланишга топшириш натижасида 40 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, Андижон шаҳрида “ECO KOMFORT ELEGANT” диод лампалар, “Хонобод-Seul” корхонаси аёллар пойабзаллари, Андижон туманида “EVEREST METALL FAVORITE” қўшма корхонаси металл қувурлар, Шаҳрихон туманида “SDK GROUP AND” хорижий корхонаси фильтрлаш ускуналарини ишлаб чиқара бошлади.

Андижонда тўқимачилик саноати ҳам тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 2008 йилда вилоятда йирик тўқимачилик саноати корхоналари сони 8 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда улар сони 16 тадан ортди. Жумладан, “СКОПТОН ТЕКСТИЛЬ” хорижий корхонаси (йиллик қуввати 4200 тонна калава йпга тенг), шунингдек, “NANYANG RED COTTON” (7500 тонна ип-калава), “DELTA TEX” МЧЖ (1200 тонна калава ип) корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга бугунги кунда вилоят бўйича 40,7 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб,



рахбари Андре Янке вилоятда бўлганида. – Тўғриси, сифатли маҳаллий материаллардан арзон, қулай уйларни барпо этиш борасида ўзбек қурувчилари катта тажриба тўплаганини кўриш мароқли албатта.

\*\*\*

Аваллари аграр ҳудуд ҳисобланган Андижонда саноат ишлаб чиқариши барқарор ва тез суръатларда тараққий этаётгани навбатдаги муваффақиятларга тамал тошини қўймоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши охириги етти йилда ўрта ҳисобда 10 фоизни ташкил қилиб, деярли икки мартага ортанлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши қарийб 25 фоизга етди. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 71,9 фоизи автомобилсозлик, 12,4 фоизи енгил саноат, 6,6 фоизи озик-овқат саноати, 3,2 фоизи кимё ва нефть-кимё ва бошқа тармоқлар ҳисобига тўғри келади.

Ўз навбатида бу соҳада янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини

қайта ишлаш даражаси 46,8 фоизни ташкил этмоқда. Республика бўйича ушбу кўрсаткичнинг 33 фоизлиги инобатга олинса, натижанинг салмоғи рўй-рост кўринади. Бу, асосан, Шаҳрихон, Балиқчи, Жалақудқ, Избоскан туманларида тўғри келмоқда.

Саноатни такомиллаштиришда муҳим омил сифатида хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятини келтириб ўтиш лозим. Ҳозир уларнинг сони 75 тага етди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг вилоят саноатидидаги улуши 73 фоизни ташкил этмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиши натижасида ушбу соҳага жами 235 миллиард сўмдан зиёд инвестициялар киритилиб, 10 мингга яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди ва 170 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 2008-2015 йилларда вилоят тижорат банклари томонидан жами 100 миллиард сўмга яқин кредит ажратилди.



\*\*\*

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, “ягона дарча” тамойилини жорий этиш, кичик бизнес субъектларининг статистика ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмни содда-лаштириш, хусусий тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини анча кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдан буён ўтган даврда 32,9 фоиздан 59,4 фоизга (республика бўйича 31 фоиздан 56 фоизга), саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда эса – 8,9 фоиздан 17,4 фоизга (республика бўйича 12,9 фоиздан 31,1 фоизга) ўсди.

Ҳозирги кунда ишбилармонлик фаолияти билан шугулланаётганлар умумий иқтисодиётда банд бўлганларнинг 84 фоизини ташкил қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан сўнгги 7 йил мобайнида 2 трлн. 95 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу соҳада муҳим сифат ўзгаришлари қаторига кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 4,5 фоиздан 17 фоизга, уларнинг экспорт салоҳияти 2 фоиздан 25 фоизга ортганини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, республикамиз миқёсида ишбилармонлик муҳитини баҳолаш рейтингига мувофиқ вилоят 2012 йилдан буён олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда.

Вилоятдаги 48 та бўш турган, фойдаланилмаётган давлат объектлари ва кам қувватда ишлаётган паст рентабелли корхоналар инвестиция киритиш мажбуриятлари эвазига “ноль” харид қийматида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилди. Натижада жами 8,5 млрд.сўмлик инвестиция маблағлари киритилди ва бунинг натижасида 1250 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ислохотлар ижроси ҳам тизимли равишда ташкил этиляпти. Янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг ишга туширилиши, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши

омили бўлмоқда. Бу борада вилоятнинг 2016-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг дастлабки чорагида дастур доирасида белгиланганидан анча кўп – 614 та лойиҳа амалга оширилиб, қарийб 56,8 миллиард сўмлик инвестиция ўлаштирилди.

Янги қувватларнинг фойдаланишга топширилиши вилоят иқтисодиётининг бир қанча тармоқларида қатор ижобий ўзгаришларга туртки берди. Жумладан, 2015 йилнинг дастлабки уч ойида ҳудудий саноат маҳсулотлари улуши 18 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг мос даврида мазкур кўрсаткич 48 фоизга тенг бўлди. Кичик бизнеснинг улуши 51,7 фоизга етди. Янги қувватларнинг 94 таси қишлоқ жойларда ташкил этилиши ушбу ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига замин яратди.

\*\*\*

Шу кунларда андижонликлар буюк ҳамюртимиз шох ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур орзуларини рўёбга чиқариш ниятида мардона меҳнат қилмоқдалар. Жорий йилда улуғ сиймонинг пойқадамлари теккан Эски шаҳар ҳудудида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда: Жомъе мажмуасини таъмирлаш учун қарийб 7 миллиард сўм маблағ ажратилиб, иш бошлаб юборилди. Бобур уй-музейи ҳам таъмирланади. Айнан шу ҳудуд энди “Андижон Регистони” дея атала бошланди. Собик Олтинкўл кўчаси реконструкция қилиниши бошланиб, кенгайтириляпти. Унга Мустақиллик номи берилди. Энди унинг икки томонидан кўп қаватли мухташам турар-жой иморатлари ўрин олади.

Хуллас, Андижоннинг барча меҳнат жамоалари, шаҳар ва қишлоқлари, кўча-ю маҳаллаларида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо. Ўзбекистоним!” деган эзгу гоё остида ўтайдиган кутлуг тантанана астойдил тараддудга киришишди. Ҳаммининг фикри-зикрида Истиқлол аталмиш бебаҳо неъматнинг кадр-қимматини теран идрок этмок, эришилаётган ютуқларнинг тўб моҳиятини англамок, кеча ким эдигу бугун ким бўлганлигини тушуниб етмокқа интилиш мумкин.

Агар буларнинг барчасини, муваффақият дастхатларини ўз кўзингиз кўрмоқчи истасангиз, марҳамат, Андижонга келинг!

Нажмиддин ИКРОМИЙ

Рустам ЭШОЕВ оғлан суратлар

## ЎЗБЕКИНВЕСТ

ЭКСПОРТ - ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

# Яна бир қулайлик

Маълумки, сугурта соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланаётган йўналишлардан биридир. Айниқса, бу борада орттирилган миллий ва хорижий тажриба республикамиз сугурта компаниялари фаолиятининг барқарорлашувида муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий сугурта компанияси ўтган 22 йил мобайнида вилоятлар бўйлаб ҳудудий тармоқларни ташкил этиш асосида кўрсатилаётган хизматлар сифати оширилиб борилди, андеррайтинг сиёсатида жиддий эътибор қилганга ҳама кадрлар салоҳияти борасидаги савъ-ҳаракатлари натижасида халқаро ва миллий сугурта бозорига ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келаётган.

– “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий сугурта компанияси жаҳон амалиётида қўлланиладиган 100 дан ортиқ анъанавий сугурта турларини амалиётга жорий этиб келмоқда, – дейди компаниянинг ахборот хизмати бошлиғи Ортиққўжа Норов. – Бугунги кунда республикамиздаги 14 та филиал орқали 145 та ҳудудий бўлиналари-мизда миждозларга намуналий хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йил инвестиция дастурига киритилган ва татбиқ этилиши қўланаётган 46 та лойиҳа-

нинг 15 трлн. сўми сугурта ҳимоясига қаратилгани эса компанияга жаҳон бозорига билдирилаётган ишончининг ортиб бораётганидан даракдир. Чунинчи, 2016 йилда ISO 9001:2015 стандарти янги версиясига мувофиқ сифат менежменти тизими бўйича Швейцариянинг SGS компанияси томонидан аудит текширувидан муваффақиятли ўтказилди ҳамда “Узстандарт” агентлиги ва SGS компаниясининг ушбу йўналишдаги мувофиқлик сертификатига

эга бўлган мамлакатимиздаги биринчи сугурта ташкилотига айланди. Бу эса тадбиркорларимиз учун кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, компаниямиз юртимиз ишбилармонларига “Тадбиркорлар қалтисликларини комплекс сугурталаш”, “Гаровга қўйилаётган мол-мулк сугурталаш”, “Мол-мулк ва фойданинг йўқолишидан сугурталаш”, “Тадбиркор” каби сугурта хизматларини тақлиф этиб келмоқда.

Ўз мухбиримиз

Сурхондарёлик Бахтиёр Абдуллаев ишнинг кўзини биладиган фермерлардан бири. У 2011 йилда “Ражаб полвон Абдуллаев” фермер хўжалигини ташкил этиб, юртимиз иқтисодий тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган.

# БАХТИЁР АКАНИНГ БАХТИ

Дилноза НОМОЗОВА, “XXI asr” мухбири

Ташаббускор ва изланувчанлиги боис O‘zLiDeP томонидан ташкил этилган “Еш фермер” кўрик-танловининг “Энг ёш хомий фермер” номинациясида республика босқичи гóлибига айланди.

– Сизлар тинч, фаровон давр фарзандларисиз, бундай кунлар қадрига етиш керак. Ҳаракат қилсанг, катта тадбиркор бўласан дердилар, дадам бир пайтлар – дейди Бахтиёр ака гурур билан. – Астойдил қилган меҳнатларим бесамар кетмади. Айни пайтда 77,5 гектар майдонда пахта ва галла экиб, мўл ҳосил олаяман. Ўтган йили 120,5 тонна галла, 175 тонна пахта топшириб, давлат буюртмасини бажариб, юзимиз ёруғ бўлди. Банда ўз пулим, даламизда қўша-қўша техникаларим бор. Меҳнатимизга яраша даромад олаямиз.

Дарҳақиқат, ўтаётган ҳар бир кундан,

қилаётган ишдан мамнун қаҳрамонимиз юртимизда фермерлар учун яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган.

Ўтган йили Фермерлар кенгаши хомийлигида Франция, Польша, Германия давлатларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги йўналишида тажриба алмашиб келди. Соҳанинг ўзи билмаган сир-асрорларини ўрганди, хорижлик ҳамкасблари зришаётган ютуқлар билан яқиндан танишди. Польшадан 11 бош қорамол олиб келиб, чорвачиликни ҳам йўлга қўйди. Келгусида сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ташкил этиш орзуси ҳам йўқ эмас.

Эришилган ютуқлар инсонни олға юришга ундаб, унга янгидан-янги марраларни забт этишига ёрдам беради. Қишлоқ мулкдорини яқинда 2 гектар ер олиб, балиқчиликни ривожлантириш ниятида.

Айниқса, туну кун ёнида ёрдамчи, машаққатли дамларда суюнчик бўлиб, ҳамдард бўлувчи елкашошлари борлигидан боши ос-

монда. 20 нафар ишчи Бахтиёр аканиннг энг яқин кўмакчилари.

– Коллежни битиргач, Бахтиёр акага шоғирд бўлиб тушгандим, ҳам иш ўргана-япман, ҳам маошим тайин, – дейди қувонч билан коллеж битирувчиси Илёс Жўраев. – Устозим самимий, шу билан бирга қаттиққўл раҳбар, барчага бирдай муносабатда бўлади. Мен раҳбарман демайди, кези келганда биз қилаётган ишга қўшилиб кетади, ҳазил-хузул билан рўҳимизни кўтарлади.

Ҳа, жамоа Бахтиёр Абдуллаевдан мамнун. Зотан баҳамжиҳатликда қилинган ҳар бир ишда катта қўшма бор. Буни яқини англаган фермер доимо ишчиларини қўллаб-қувватлайди, байрамларда эсдалик совғалари, тўйларда тўёналар улашади.

Ер билан тиллашиб, мўл ҳосил, кўп даромад олишга интилаётган ёш фермер билимининг янада бойитиш мақсадида ўз устида тинимсиз изланапти. Келгусида савдо марказлари ташкил этиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўймоқчи.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ” ТАНЛОВИ

Аёл тадбиркор бўлса, ҳаёти гўзаллашади, оила фаровонлиги ортади, жамият тараққиёти жадаллашади. Бинобарин, хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш партиямиз дастурий мақсадларидан биридир.

# Ўзига хос синов

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” мухбири

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан “Мустақилликка менинг хиссам” шиори остида ташкил этилган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови барчада катта таассурот қолдирди. Қарши давлат университети кўргазмалар зали шу кунги воҳанинг ишбилармон ва ташаббускор аёллари, партия фаоллари ва ёшлар билан гап жам бўлди. Шунингдек, хунарманд, тадбиркор ва фермер аёллар ўз қорхоналари ва хўжалиқларида ишлаб чиқарилган, етиштирилган маҳсулотларни намойиш этишди.

– Ўн йилдан буён деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланамиз, – дейди чирокчидан Насиба Бердиқуллова. – Банкдан 45 млн. сўм кредит олиб, хориждан насли чорва моллари харид қилган эдик. Ҳозирда улар зооветеринария талаблари асосида парваришланмоқда. Фермер хўжалигимиз қосида шунингдек, қандолатчилик, тикувчилик, тўқувчилик пеклари ҳам ишлаб турибди. Уларда касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 25 нафари меҳнат қилмоқда.

Тадбир давомида Яққабғ туманидаги “Зафар” фермер хўжалиги раиси Дилором Маллаева Уйғур қишлоғида боғроғлар яратишда кўпчиликка намуна бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Жонқуяр аёлининг боғдорчилик соҳасида тўплаган бой тажрибаси туманда кенг оммалаштирилмоқда. Қамани туманидаги “Бек” сифат мўлқ ишхонаси фермер хўжалиги раҳбари Нилуфар Санаева деҳқончиликда яхши натижаларга эришиб келаётган бўлса, Баландқайла қишлоғида яшовчи опа-сингил Мактуба ва Фарида Жабборовалар гиламчилик, миллий кўйриқлар тайёрлашда ўзига хос хунармандлик мактаби яратилган. Улар ўз тадбиркорлик фаолиятини ри-



вожлантириб, касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 20 нафарини иш билан таъминлашгани алоҳида эътироф этилди.

Бугун вилоятда 15 мингдан ортиқ киши ишбилармонлик билан шуғулланаётган бўлса, уларнинг 3 мингта яқинини хотин-қизлар ташкил қилади. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 759 нафар аёлга кичик бизнесни ривожлантириш учун 30 млрд. 226 млн. сўм кредит ажратилган эди. Бунинг самараси ўларок, 469 та янги иш ўрни яратилди.

– Ушбу танловни ўтказишдан мақсад – мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгу мақсад йўлидаги ташаббус ва иштирокини рағбатлантиришдан иборат, – дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбахор Тўраева. – Зеро, хотин-қизлар жамият тараққиётини жадаллаштириш, ислохотларни чуқурлаштиришда етакчи куч саналади.

– Уч йил муқаддам касб-хунар коллежлари битириб, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этганлик, – дейди Муборак тумани “Саҳий чўпон дласи” фермер хўжалиги раиси Нодира Бердиева. – Кейинчалик пахтачилик ва галлачилик билан ҳам шуғул-

лана бошладик. Ер билан тиллашнинг ўзига яраша сири бўлар экан. Айвиқса, бизнинг кумлоқ ерларда деҳқончилик қилиш анчагина мураккаб иш. Ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга оширмаган, доғда қолишнинг ҳеч гап эмас. Мавсум бошландими, даладан бери келмаймиз. 90 гектар ер майдонимиз бор. Ўтган йили 50 гектарга галланинг “Туркистон” навини эккан эдик. Ҳосилдорлик 30 центнердан ошди. Бу йил 40 гектар майдонда “Бухоро-8” нави пахта етиштирилди. Ёзуларнинг авжи баянда, ҳосил чўғи ёмон эмас. Насиб қилса, гектар бошига 40 центнердан сифатли хомашё йиғиб-териб олишни мўлжаллаб турибмиз.

Дарвоқе, 200 бош майда, 20 бош йирик шохли чорва моллари ва ҳар кеча-кундузда бир тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган нех хўжалигимиз даромадига даромад қўшмоқда. Касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 20 нафарини иш билан таъминладик. Ҳадсемай сутини қайта ишлаш цехини барпо этамиз. Ушанда яна 10 та янги иш ўрни яратилади.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Муборак туманидаги “Саҳий чўпон дласи” фермер хўжалиги раҳбари Нодира Бердиева биринчи, китоблик хунарманд Азиза Муродова иккинчи, Қарши шаҳридаги “Лола жаҳон маликаси” масъулияти чекланган жамияти раиси Мавлуда Юдошева учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Танлов фойдалари ва фаол иштирокчилар партиянинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

# Бекободда байрам шукуҳи

Юртимиз бўйлаб “Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилаётган байрам тадбирларининг навбатдагиси Бекобод шаҳрида бўлиб ўтди. O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши томонидан партия электорати, хайрихоҳлари, депутатлик гуруҳи вакиллари иштирокида ўтказилган “Мустақиллик – олий неъмат” мавзусидаги давра суҳбати жонли мулоқот тарзида олиб борилди. Унда сўзга чиққан сиёсатчи олим, депутат, ижодкорлар жаҳон ҳамжамиятида юртимиз доғруғи тобора юксалиб ҳамда турли халқаро рейтинг кўрсаткичларда юқори ўринларни эгаллаб келаётгани, энг асосийси, халқимиз турмуш фаровонлиги ортиб бораётганини ҳаётий мисоллар ёрдамида сўзлаб беришди.

– Ватанимизнинг ҳар бир ҳудудида муборак айём шукуҳи ҳукмрон, – дейди O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Тўлқин Файзиев. – Бу борадаги муҳим мақсад ва вазифаларни адо этиш, байрам тадбирларини юқори савияда ўтказиш учун олдимизга қатор йўналишларни белгилаб олганмиз. Вилоятимизда, хусусан, чекка туманларда ҳам турли маданий-маърифий уйрашув ва форумлар ташкил этилаётган.

Тадбир доирасида Бекобод туманида олиб борилаётган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида қўлга киртилаётган ютуқлар, қолаверса, Бекобод шаҳридаги “Зулфия-бону-чевар” хусусий қорхонаси фаолияти билан танишилди ва ташкилотда янги бошланғич партия ташкилоти очилиб, партияга аъзо бўлган ходимларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

– Истиклолнинг нурафшон ёғдуси қалбларимиз, руҳиятимизга кўтаринки кайфият, жўшқин ҳис-туйғуларни



бағишлаётир, – дейди “ГРАНД ИСЕ СРЕАМ” МЧЖ раҳбари Ф. Қаримбоев. – Буни жонажон диёримизнинг кундан-кун чирой очиб, халқимизнинг яшаш даражаси йил сайин ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Тўқинлик, фаровонлик бор жойда тўй-томшалар ҳам бўлади.

Тадбир давомида мустақилликнинг 25 йиллик байрами муносабати билан

узоқ йиллар партия гоёларини тарғиб қилиш, кенг жамоатчиликка етказишда ҳамда партия аъзолари сафини кенгайтиришда ўзининг муносиб хиссасини қўшиб, фидокорона меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ фаоллар партиянинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши Матбуот хизмати

# Изланувчан ва ғайратлилар танлови

Жиззах шаҳрида “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловни ўтказишдан асосий мақсад, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий-иқтисодий юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизларнинг юртимиз келажиги йўлидаги интилиши, изланишлари, эришаётган ютуқларини рағбатлантиришдан иборатдир.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

Бугун вилоятда 10 мингдан ортиқ киши тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлса, уларнинг 2 мингта яқини хотин-қизлардир. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 560 нафар хотин-қизга тадбиркорликни ривожлантириш учун 20 млрд. 115 млн. сўм кредит ажратилиб, 359 та янги иш ўрни яратилди.

Анъанага айланган ва тобора

оммалашиб бораётган маъруз тадбирнинг жорий йилдаги ўзига хослиги нафақат ташкилотчилар, балки иштирокчиларнинг ҳам кўрик-танловга ишчанлик руҳида ёндашганликларида яққол сезилиб турди.

– Опа-сингилларимизни тадбиркорликка йўналтириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш борасида партиямиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, – дейди O'zLiDeP вилоят Кен-

гаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Шоира Ҳасанова.

– Бугунги танлов иқтисодий-иқтисодий юксалтиришда янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиб, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган шижоатли хотин-қизларни кашф этиш орқали замонавий ишбилармон аёллар тимсолини яратишга интиляпмиз.

Танлов натижаларига кўра, олий ўрин Жиззах шаҳридаги “Odina Skarlet tekstil” МЧЖ раҳбари Марҳаб Маҳжамовага, 1-ўрин баҳмаллик “Зебо текстил” МЧЖ раҳбари Қаршигул Жуманкуловага, 2-ўрин Жиззах туманидаги “Холмўминов Зоҳид” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Шарофат Нориевага, 3-ўрин эса зафарободлик яқна тартибдаги тадбиркор Умида Раҳмоновага насиб этди.

# Фаол аёллар тақдирланди

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан “Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида “Ишбилармон аёл” танловининг Республика босқичи ўтказилди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, хотин-қизлар иштирокидаги хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

– Ушбу танлов менда катта таассурот қолдирди, – дейди Тахтақўпри туманидаги “Рано-чевар” хусусий қорхонаси раҳбари Улбосин Аннабаева. – 2007 йили банкдан 40 миллион сўм миқдорида кредит олиб, тикувчилик қорхонасини очгандим. Мана бугун қорақалпоқ халқининг миллий кийимларини кўргазмага олиб келдим. Келгусида қорхонамни янада кенгайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштиряман.

Қораўзақ туманида фаолият юритаётган “Гулистон” фермер хўжалиги раҳбари Гулистон Джарилқанова ҳам тиниб-тинчимас фермерлардан бири. У ҳам келгусида овулдош

ёшларни иш билан таъминлаб, кўп тармоқли фермер сифатида фаолият юритиш ниятида.

Тадбирда хотин-қизларимиз хунармандчилик, деҳқончилик йўналишларида ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Танлов натижаларига кўра, “Рано чевар” хусусий қорхонаси раҳбари Улбосин Аннабаева биринчи, “Гулистон” фермер хўжалиги раҳбари Гулистон Джарилқанова иккинчи, “Абдуллаева Насиба” тикувчилик қорхонаси раҳбари Насиба Абдуллаева учинчи ўринга лойиқ топилди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

**Реклама ўрнида**



## САРМОЯЛАР ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Севара АЗИМОВА,  
“XXI asr” мухбири

**Мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги тараққиёт йўлига назар ташласак, барча соҳалар қатори жаҳон стандартларига мос, замонавий банк тизими шаклланишига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жойларда янгидан-янги хизмат турларини йўлга қўйиш молия муассасалари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса улар олдида масъулиятли вазифаларни қўймоқда. “DAVR BANK” хусусий акциядорлик-тижорат банки ҳам истиқболли бизнес лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб, ёшлар, биринчи навбатда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Хусусан, ёш оилаларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун зарур миқдорда микрокредитлар ажратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.**

– Коллежни тугатгач, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилдим ва ўз бизнес режамни «DAVR BANK» ХАТБга тақдим этдим, – дейди тошкентлик хусусий тадбиркор Суннатилла Раҳмонов. – Банк ходимлари лойиҳамни кўриб чиқиб, 20 млн. сўм кредит ажратишга қарор қилишди. Бу эса мен учун катта имконият эди. Ушбу маблағ эвазига автомаши-

на эҳтиёт қисмлари савдосига ихтисослашган янги дўконни ишга туширдик. Ҳозир бу ерда икки нафар тенгдошим аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Камтарона меҳнатим орқали маҳаллам ободлигига ўз хиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

Таъкидлаш жоизки, айни кунда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасини ҳар бир шаҳар ва қишлоқ мисолида кўриш мумкин. Янги технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш қорхоналари, замонавий инфратузилмага эга бўлган хизмат кўрсатиш тармоқлари кўпайиб бораётганлиги янада қувонарлидир.

– Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг бир йил давомида ички бозорда ўз ўрнига эга бўлди, – дейди “Golden oil grand” МЧЖ раҳбари Ғайрат Аҳмедов. – Бу борада “DAVR BANK” нинг кўмагини алоҳида қайд этиш жоиз. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш ҳисобига маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатбардорлиги ошмоқда. Тараққиёт манфаатларига хизмат қилувчи бу каби истиқболли лойиҳалар банк томонидан ўз вақтида молиялаштирилаётганлиги қувонарлидир. Жумладан, “DAVR BANK” ХАТБга тақдим этдим, – дейди тошкентлик хусусий тадбиркор Суннатилла Раҳмонов. – Банк ходимлари лойиҳамни кўриб чиқиб, 20 млн. сўм кредит ажратишга қарор қилишди. Бу эса мен учун катта имконият эди. Ушбу маблағ эвазига автомаши-

катта эътибор қаратилаётгани самарасидир. Эл-юрт манфаати йўлида бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилиш, бозорни юқори сифатли истеъмол моллари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўйиш жамоамизнинг эзгу мақсадларидан бири саналади.

Бу каби миннатдорлик сўзларини банкнинг бошқа миқозларидан ҳам эшитиш мумкин. Зеро, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш бугун ҳар қачонгидан катта аҳамият қарб этади.

– “DAVR BANK” ХАТБнинг 25 млн. сўмлик кредити эвазига тикув машиналари харид қилиб, уйда ўтирган беш нафар хотин-қиз билан иш бошлаган эдик, – дейди юносободлик хусусий тадбиркор Хатира Файзиева. – Бугун эса маҳсулотларимиз ички бозорда харидордир. Боиси, улар ўзининг дизайни ва юқори сифати билан ажралиб туради. Чиндан ҳам замонавий банк хизматларидан самарали фойдаланган тадбиркор асло панд ёмайди. Бунинг тажрибамиз мисолида кўриб турибмиз.

Бир сўз билан айтганда, “DAVR BANK” ХАТБ истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, миқозлар ишончини қозониш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқда. Бу эса унинг аҳоли фаровонлиги ва юрт тараққиёти йўлида астойдил иш олиб бораётганидан далолат беради.

*Хизматлар лицензияланган*

Жалолиддин Румий

Яхшини изла, тўгрини изла, гўзалликни изла, асло қусур излама

Қумнинг заррасиман, аммо сахронинг дардини ташийман.

Ишқда насибанг бор бўлса, тегсанг ҳам ёнажасан. Шунинг яхши бил: кимлар соғинчдан ёнар, кимлар етишишдан.

Рухнинг гўзаллиги тананинг гўзаллиги каби тез кўринмас.

Инсонларни яхши тани, ҳар инсонни ёмон билиб, қутулмоққа шошилма. Ҳар инсонни яхши билиб ҳам овулма.

Шайтоннинг қотили одобдир.

Шахсиятпарастлик кўзга тақилган кўзгудир. Қаерга боқса, ўзидан бошқасини кўраолмас.

Баъзи инсонлар борки, саломларидан курум ҳиди келади. Баъзи инсонлар саломидан мушки анбар, хушбўй ҳид келади.

Кимнинг ишққа майли йўқ бўлса, қанотсиз куш кабидир.

Ақлим қалбимдан имон нимадир дея сўради. Қалбим ақлимнинг қулогига эгилиб Имон одобдир деди.

Тилингни тарбия этмақдан аввал юракни тарбият эт. Чунки сўз юракдан келиб, тилдан чиқади.

Сени севганларни, заҳар бўлса ҳам ют. Сени севмаганини, бол бўлса-да, унут.

Хафа бўлиш ваҳлларини излашдан кўра, севиш, севилмоқ йўллари-ни изла.

Фоний бўлган ишқ йўқдир. Ишқларнинг бари боқийдир. Фарқи шуки, кимдир санъаткорнинг санъатини кўрур, кимдир санъаткорнинг ўзини.

ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

Бизни билганлар билар, билмаганлар ўзи каби билар.

Одамзот дунёни забт этар, аммо оғзини забт этолмас.

Гўзал кунлар сенга келмас. Сен уларга юриб боражасан.

Қалб денгиздир, тил соҳилдир. Денгизда нима бўлса соҳилга урилар.

Севги ва шафқат одамийлик васфидир. Қаҳр ва шаҳват ҳайвонийлик белгисидир.

Китобларни ўқимокдан аввал, ўзимизни ўқишга киришайлик.

Ё тутиладиган даражада яқин бўл, ё унитиладиган даражада узоқ бўл.

Ҳикматлар

ҚИЗЛАРИМИЗ ЧЕМПИОН

Италиянинг Латина шаҳрида бадий гимнастика бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Россия, АҚШ, Канада, Испания, Франция каби дунёнинг етакчи терма жамоалари қатнашган ушбу мусобақада вакилларимиз ҳам муваффақиятли иштирок эттишти. Турнир давомида терма жамоамиз аъзолари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга кириттишти. Лола Жўраева икки бор шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишга муваффақ бўлган бўлса, турнирнинг энг ёш иштирокчиси, дея эътироф этилган Малика Тўрахўжаева, Мадина Рустамова ҳамда Илона Тенга ҳакамлар томонидан энг юқори балл берилди. Икки кумуш медални эса терма жамоамиз ҳисобига Сўғдиёна Жўраева қўшиб қўйди.

ҲАСАНБОЙ ВА ОЙБЕК ФИНАЛДА

Қозоғистоннинг Атирау шаҳрида бокс бўйича ўтаётган халқаро турнирда етти нафар боксчимиз ярим финал жангларида иштирок этди. 49 кг. вазнда рингта чиққан Ҳасанбой Латибохунов ярим финалда қозоғистонлик Жонибек Ескуатовни уч раунд натижаларига кўра мағлуб этиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Энди ҳамюртимиз чемпионлик жангида яна бир мезбон боксчи Дониёр Серик билан беллашади. Шунингдек, ҳамюртимиз Ойбек Мамазулов 81 кг. вазн тоифасида қозоғистонлик Амир Налпиев устидан катта устунлик билан ғалаба қозонди. Финалда у мезбон боксчи Шоймурод Хусайнов билан куч синашади.

БЕКЗОД БРОНЗАЛИ БЎЛДИ

Дортмунд шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтмоқда. Эътиборли томони, ушбу турнир полвонларимиз учун Рио - 2016 ўйинлари тайёргарлик вазифасини ўтаб беради. Мусобақада 74 кг. вазн тоифасида иштирок этаётган Бекзод Абдурахмонов бронза медалини қўлга киритди. Полвонимиз финал беллашувида Лондон - 2012 ўйинлари голиби, америкалик Жордан Барроузга имкониятни бой бериб қўйди.

ДЗЮДОЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан паралимпичилар орасида дзюдони янада оммавийлаштириш ҳамда иқтидорли спортчиларни саралаб олиш мақсадида Ўзбекистон чемпионати баҳслари ўтказилди. Унда полвонлар жами 13 вазн тоифасида голиблик учун беллашдилар.

Яқунда умумжамоа ҳисобида Тошкент вилоят вакиллари биринчи, сурхондарёлик паралимпичилар иккинчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳри жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Маъруфжон РАҲМОНОВ тайёрлади.

ҚУТЛОВ

“ШҲРТАНГАЗКИМЁ” МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат айёми бўлмиш муборак Рамазон ҳайити билан самимий қутлайди!

Бугунги доруламон, файзли, қут-барокотли заминда яшаб, Ваганимиз тараққиёти ва салоҳиятини ошириш йўлида ҳалол меҳнат қилаётган сиз – азизларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

Озод ва обод юртимизда барқарор бўлган тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва бағрикенглик, фаровонлик ҳамisha ҳамроҳимиз бўлсин!

Хизматлар лицензияланган

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси Хоразм вилояти Кенгаши О‘зЛиДеР Хоразм вилоят Кенгаши раиси Баҳодир Тажиевга акаси Юсуббой Садуллаевнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!



“Асака” банк

яқинлашиб келаётган “Мустақиллик куни” байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади: “МУСТАҚИЛЛИК – 25”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
– маълумотлар сиз сақланиши тўлиқ кафолатланади!

– эвалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!  
– миқдори чекланмаган!

“Асака” банк – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBIARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ASR 27 (659)-son, 2016-yil 6-iyul, chorshanba

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содиржон ТУРДИЕВ Қувондиқ САНАҚУЛОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ Тўлқун ЭШНАЗАРОВ  
Алишер СУЛТОНОВ Алдам ШОДМОНОВ  
Абдумажид КАРИМОВ Расул ҚУШЕРБАЕВ  
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК  
Икбол МИРЗО Бернат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта: xxi\_a\_sr@mail.uz

Телефонлар: қабулхона – 215-63-80 (тел./факс).

Котибият – 281-40-17  
Реклама ва шартнома-лар бўлими – 215-60-45, 255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Ўзбекистон” НМИУ бошқарувида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: S 6424 Тираж: 8688  
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 20:00

Тахриратта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

“XXI asr” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайн

Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Таъриқчилар: А. МУТАВАРРОВ, С. ЮНПОР